



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2026 yil « 20 » avgust

№ ПК–300

Ўзбекистон Республикаси Криптология, ахборот хавфсизлиги ва инновацион технологиялар институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ҳозирги кундаги глобллашув шароитида давлат ва жамият хавфсизлигига, республиканинг мудофаа қобиляти ва иқтисодий ривожланишида юзага келаётган таҳдидлар ҳамда давлат ташкилотларида замонавий рақамли технологияларнинг жадал қўлланилиши ахборотни ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизлик соҳаларида норматив-ҳуқуқий базани, мутахассислар ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, рақобатбардош миллий техник воситалар, сунъий интеллект ва инновацион IT-маҳсулотларни яратиш кўламини янада кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 августдаги “Ўзбекистон Республикасида криптология соҳасида таълим ва илм-фанни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПК–293-сон қарори, шунингдек, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини сифатли таъминлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Радиоэлектрон тизимлар ва ахборот технологиялари маркази негизида **Ўзбекистон Республикаси Криптология, ахборот хавфсизлиги ва инновацион технологиялар институти** (кейинги ўринларда – Институт) ташкил этилгани маълумот учун қабул қилинсин.

2. Институт Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Радиоэлектрон тизимлар ва ахборот технологиялари марказининг барча вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Қуйидагилар Институтнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

- (а)** криптология, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик, ахборотни ҳимоялаш, сунъий интеллект, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, рақамли криминалистика ва рақамли технологиялар соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;
- (б)** криптология, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик, ахборотни ҳимоя қилиш, сунъий интеллект, рақамли криминалистика, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш ҳамда рақамли технологияларнинг бошқа долзарб йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини қонунчиликда белгиланган маблағлар ҳисобидан танлов асосида ташкил этиш;
- (в)** давлат буюртмалари доирасида криптология, ахборотни ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар йўналишларида фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни шакллантириш ва амалга оширишда иштирок этиш;
- (г)** киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли орган билан келишган ҳолда фойдаланиш чекланган ахборотни криптографик ва техник ҳимоя қилиш ва ахборотлаштириш техник воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш ва сертификатлаш, уларнинг техник ҳолатини баҳолаш ва таъмирлаш;
- (д)** киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли орган билан келишган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот ресурслари, ахборот тизимлари, шунингдек, муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари тоифасига киритилган ахборот тизимларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш;

- (ж)** киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли орган билан келишган ҳолда киберхавфсизликнинг таъминланганлик даражасини баҳолаш, ахборот тизимлари ва ресурсларининг ҳимояланганлик ҳолатини, шунингдек, кўрилаётган ташкилий чоралар самарадорлигини аниқлашга қаратилган ташкилий-техник тадбирларни амалга ошириш;
 - (з)** фойдаланиш чекланган ахборот қайта ишланадиган ахборотлаштириш объектлари ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги бўйича аттестациядан ўтказиш;
 - (и)** криптология, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик, ахборотни ҳимоя қилиш, сунъий интеллект, катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, рақамли криминалистика ва рақамли технологиялар соҳаларида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳамда миллий стандартлар ва регламентларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш.
- 4. Институтга қуйидагиларга рухсат этилсин:**
- (а)** Институтга юклатилган вазифаларни бажариш учун республика илмий-тадқиқот, ўқув-таълим, илмий-ишлаб чиқариш муассасалари, илмий ва таҳлил марказларининг етакчи мутахассислари, шунингдек, мос ихтисосликка эга шахсларни, шу жумладан, чет эл фуқароларини белгиланган тартибда жалб этиш;
 - (б)** Институт фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган ўқув-илмий, илмий-ишлаб чиқариш, илмий-техник ва консалтинг марказларини (лабораторияларни) таъсис этиш ҳамда бошқа хўжалик жамиятларининг устав капиталида иштирок этиш;
 - (в)** Институтда криптология, ахборотни ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳалари ихтисосликлари бўйича олий таълимдан кейинги таълимни ташкил этиш;
 - (г)** Институтга юклатилган вазифалар йўналишларида кадрлар малакасини ошириш, фойдаланиш чекланган ахборотни криптографик ва техник ҳимоя қилиш ва ахборотлаштириш техник воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, реализация қилиш ҳамда аттестациядан ўтказиш ва сертификатлаш хизматлари, шунингдек, бошқа фаолият турларини шартнома асосида амалга ошириш;

- (д) Институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ишлаб чиқариш участкасининг технологик жиҳозлари учун бутловчи қисмларни харид қилиш мақсадида, Институт томонидан ишлаб чиқариладиган техник воситалар ва кўрсатиладиган хизматлар (шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг бюджет маблағлари ҳисобидан харид қилинадиган) таннархига 25 фоизгача устама жорий этиш.
5. Фанлар академияси ахборотни криптографик ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизлик соҳалари ихтисосликлари бўйича бажарилган докторлик диссертацияларини тақриз учун Институтга тақдим этиш амалиётини йўлга қўйсин.
6. Белгилансинки:
- (а) Институт юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган муҳр, штамп, бланка, шунингдек, рамзий белги ва нишонлар ҳамда тижорат банкларида ҳисобварақлар ва бошқа ҳисобварақларга эга бўлади;
- (б) Институт криптология, ахборотни ҳимоя қилиш ҳамда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳаларида республикада етакчи давлат олий таълим муассасаси сифатида бошқа олий таълим ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради;
- (в) Институт ҳузурида криптология, ахборотни ҳимоя қилиш, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳаларида фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳа талабномаларини давлат илмий дастурлари доирасида ташкил этиладиган танловларда иштирок этиш учун экспертизадан ўтказиш мақсадида соҳа олимлари, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларидан иборат таркибда илмий-техник кенгаш ташкил этилади.
7. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ Институтнинг ходимлари, шунингдек, жалб қилинадиган профессор-ўқитувчилари, мутахассислари ва бошқа ходимларига Тошкент вилояти ҳудудидан бирламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун қуйидаги шартларда **ипотека кредити** ажратилади:

- (а) ипотека кредити бўйича дастлабки бадал тўлови уй-жой қийматининг камида **15 фоизи** миқдорида белгиланади;
- (б) ипотека кредити тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан **20 йил** муддатга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган фоиз ставкасида ажратилади;
- (в) ипотека кредитининг дастлабки бадал тўловларини ва мазкур кредитларни қоплаш билан боғлиқ барча харажатлар кредит олувчи шахсларнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўланади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган мезонларга мос келадиган Институт ходимларининг ушбу қарорга мувофиқ уй-жой билан таъминланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

8. Институтнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилсин, бунда:

(а) Жамғарма маблағлари миллий ва чет эл валюталарида қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

(i) Институт томонидан сертификатлаш хизматлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турларини амалга оширишдан тушадиган тушумлар;

(ii) Институт томонидан шартнома асосида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларига пулли хизматлар кўрсатиш, шунингдек, ишлаб чиқариладиган техник воситаларни сотишдан (реализация қилишдан) тушадиган маблағлар;

(iii) ҳомийлик хайриялари;

(iv) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар;

(б) Жамғарма маблағларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

(i) Институт моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда кутубхона фондини ривожлантириш;

(ii) Институтнинг ўқув, илмий, ташкилий ва ишлаб чиқариш харажатларини қоплаш;

- (iii) илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик лойиҳаларини доимий молиялаштириб бориш;
 - (iv) ходимларни моддий ва бошқача тарзда рағбатлантириш;
 - (v) қонунчиликда тақиқланмаган бошқа харажатларни молиялаштириш;
 - (в) Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.
9. Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.
10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри